

10-26-2020

ALISHER NAVAIY ABOUT RINDI HAROBATIY

Shavkat Ahmadovich Hayitov

associate professor of uzbek philology, candidate of philological sciences, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the Arts and Humanities Commons

Recommended Citation

Hayitov, Shavkat Ahmadovich (2020) "ALISHER NAVAIY ABOUT RINDI HAROBATIY," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 3 : Iss. 4 , Article 10.

DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/4/10

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss4/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ADABIYOTSHUNOSLIK

Тупроқ бўламан дейди.

Шоиранинг ифтихор, фахр туядиган шеърлари ҳам мавжуд. Унинг ўз тақдирига шукронаси янграйдиган ушбу шеърни ҳаяжон билан ҳис этиш мумкин. Кўринадики, шоира ижодида бадиий идрок ва уни талқин қилиш кучайиб боради. Энди у миллат ҳаётини ўз ҳаёти билан уйғунлаштириб юбора олади. Ватанпарварликнинг тарихий илдизларини, ижтимоий ҳаёт воқеалари билан яхлитлаштириб юборади. Шунингдек, шоира бу ҳаётдаги ўз бойлигини қадимий анъаналарда, қадриятларда, ўтмишимизда, ватан озодлигида, туғилиб ўсган юртга меҳрда ва садоқатда деб билади. У қалбидаги шу бойликлар билан фахрланади.

Мен идрок этяпман.

Тушуниб етдим-

Шунча вақт бепарво

Юргандим нега?!

Бугун шу тупроқ ва

Унинг дардига

Эгалик ҳуқуқи

Уйғонди менда.

Шоира бир фарзанд сифатида ўз ватанининг озодлиги ва ўзлигини куйлашга жазм этади. У шўро даврда бепарво юрганлигига иқрор бўлар экан, шу ўзликни англаш дамларини кўрганлигига шукроналар айтмоқда.

Хулоса. Инсоният тарихида ватанпарварлик, туғилиб ўсган юртга муҳаббат, юртдошларга вафо ва садоқат, фидойилик ва инсон эрки талқинларига шунчалар кўп шеър битилганки, бу азалий ва абадий мавзу ҳақида куйламаган ижодкор йўқ. Ватанга, инсонга муҳаббат мавзуси ҳар бир ижодкор қалбида ўзига хос тарзда янгилашиб, юксалиб боради. У эрта очилган баҳор чечакларидек киши руҳиятига, қалбига гўзаллик бағишлайди. Бу гўзалликнинг ҳар кўкламда такрорланиши, инсон қалбининг инжа туйғулари, эътиқодлари яшариб, янгилашиб туришини куйлар экан, она заминга, туғилиб ўсган юрт тупроғига меҳр ҳам юксалиб бораверади. Шоира Жумагул Сувонова ижодида тупроқ тимсоли ранг-баранг талқинларда куйланади. Бу поэтик образ шоира қалбини кашф этишда бир бадиий тимсол вазифасини бажариб лирик қаҳрамоннинг бадиий-эстетик оламини намоён этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Suvonova Jumagul.** - Tuproq isi. - Toshkent.: ADIB, 2014. - B. 175.
2. **Yo'ldoshev Qozoqboy.** Badiiy taxlil asoslari. - Toshkent.: Kamalak, 2016.- B 460.
3. **Rahimjonov N.** Mustaqillik davri o'zbek she'riyati. - T.: Fan, 2007. - B. 258.
4. **Suvonova J.** Yig'layotgan ohu. - Samarqand.: Sug'diyon, 1993. - B. 50.
5. **Mirqosimova M.** Hozirgi o'zbek adabiyoti namunalarini sharhlab o'rganish. - T., 2015. - B.132.

УДК: 894.375.(092)

АЛИШЕР НАВОИЙ РИНДИ ХАРОБАТИЙЛАР ҲАҚИДА

АЛИШЕР НАВАИ О РИНДАХ ХАРАБАТИ

ALISHER NAVAIY ABOUT RINDI HAROBATIY

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович

БухДУ ўзбек филологияси кафедраси доценти, филология фанлари номзоди

Hayitov Shavkat Ahmadovich

associate professor of uzbek philology, candidate of philological sciences, BSU

Таянч сўзлар: Саййид Ҳасан, Алишер Навоий, ринд, 39-фасл, жисм, нафс, эркин, хур, иззатталаблик, обрўпарастлик, худпарастлик, шоҳ, гадо, ҳиммат, қаноат, кечиримлилик, комил инсон.

Ключевые слова: Саид Хасан, Алишер Наваи, ринд, 39-сезон, тело, жадность, свободный, высокомерие, честолюбие, самовлюбленность, король, нищий, добродетель, довольство, прощение, идеальный человек.

Key words: Said Khasan, Alisher Navaiy, Rind, 39-season, body, grudiness, liberal, fru, authoratativity, religiosity, king, began, virtne, contentment, forgiveness, perfect person.

Мақолада Алишер Навоий асарлари матнига таяниб, риндлик маслагининг моҳияти ёритилган. Алишер Навоий талқинчи, дунёда ҳамма ишга тадбир бор. Фақат илоҳий қисматгина тадбирсиздир. Азал Котиби ёзган қисматнинг қудратли қўли олдида ҳар қандай мато яроқсиз. Муаллиф эркинлик, хурлик, камтаринлик, ҳиммат, қаноат, кечиримлилик каби комил инсонга хос фазилатларни таҳлиллар жараёнида ёрқин кўрсатишга ҳаракат қилган.

Статья основана на тексте работ Алишера Наваи, в котором объясняется сущность верности. По словам Алишера Наваи, в мире есть событие для всего. Беспечна только божественная судьба. Любая ткань бесполезна перед могучей рукой судьбы, написанной Древним Секретарем. Автор в процессе анализа попытался показать совершенные черты личности, такие как свобода, честность, смирение, лояльность, щедрость, настойчивость и прощение.

The article is based on the text of Alisher Navaiy, which is explaining the essence of loyalty. According to Alisher Navoi, there is an event for everything in the world. Only divine destiny is careless. Any cloth is useless in the face of the mighty hand of destiny written by the Ancient Secretary. The author in that process of the analysis tried to show ideal features of personality, like liberty, honesty, humility, fidelity, generosity, insistence and forgiveness.

Кириш. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида битилишича, маноқиб қаҳрамони йигитлик йилларида сарой хизматидан узоқлашиш мақсадида риндлик маслагини ихтиёр этган. «Бойсунғур Мирзонинг ўғлонлари бўлғай, мисли: Алоуддавла Мирзо ва Султон Муҳаммад Мирзо ва Бобур Мирзо бир-биридан сўнгра мутаоқибки, тахтга ўлтурубдурлар, ҳар қайси аларнинг риоят ва тарбиятига машғул бўлтурлар. Алар хизмат ва тараддудидин ибo қилибдурлар ва ижтиноб кўргузубдурлар. Ва ҳаддин ўтгандин сўнгра... ўзларин май ичмакка ва лавандвашликларга ва ошиқпешалиқларга солибдурлар» [2,91].

Асосий қисм. «Маҳбул-қулуб»нинг «Харобат аҳли зикри»га бағишланган ўттиз тўққизинчи фасли риндлик маслаги ҳақида ихчам, аммо теран тасаввур пайдо қилади. Улуғ мутафаккир ўттиз тўққизинчи фаслда харобат аҳлини дунёвий орзу-ҳаваслардан, жисму нафс эҳтиёжларидан қутулган, бошдан оёқ эркин киши сифатида самимият билан талқин қилади. Ринд ўз манманлигини, қалбидаги хилқат фикрининг васваса ва жазаваларини таг-туғи билан суғуриб ташлаган тупроқ сифат инсондир. Унинг «Номус дасторини бошидан олиб», бир қултум май учун майхоначининг оёғи остига солиши улуғ хоксорлик нишонасидир. Иззатталаблик, обрўпарастлик истакларига қарши кучли исёндир.

Ринд ўз шахсиятидаги «мен»ликни эзмок, оёқ ости қилмок учун мажлисларда ҳаммадан қуйидан, кавушлар қаторидан ўрин олади: «Вужуд шахсин қилур учун помол, мажолисда ери сафи ниол» [1,45].

Алишер Навоий ақидасига кўра, «Ҳар неким, бақоси пайваста эмас, парастишга шойишта эмас» [1,106]. Қайси мавжудот ўлмасдан, ерда абадий яшаш имкониятига эга? Ҳеч қайси. Фақат Аллоҳгина – «Боқий». Шундай экан, сажда қилишга Угина муносиб. Харобат аҳли эса: «Муғбачалар юзи олида бутпараст, дайр пири оёғида боши туфроққа паст» [1,45]. Алишер Навоий харобат аҳли ахлоқини акс эттирар эканлар, ўз

ADABIYOTSHUNOSLIK

ақидаларига қарши бормаяптиларми?! Йўқ. Улуғ мутафаккир талқинича, Тангри наздида бутпарастликдан ҳам жирканчроқ, мардуд ва малъун бир иллат бор. Бу – мутакаббирлик: «Бутпарастлик яхшироқким, худпарастлик» [1, 30]. Харобат аҳлининг май ташувчи боланинг юзига бутпарастлар бутга топингандек сиғиниши, майхона бошлиғининг оёғига сажда қилиши замирида ичида юзлаб кибр итлари ўлиб, сасиб-бижғиб ётган мутакаббир диндорлар ҳамда «Мен сендан илммироқ, олимроқ, бойроқ, баландроқ», - дея шайтоний мезонлар бозорида ўзаро рақобатлашаётган, ўзига бино қўйган «буюклар» учун улкан ибрат бор.

«Маҳбубул-кулуб»да «Харобат аҳли зикрида»ги фаслнинг «Риёий шайхлар зикрига» бағишланган фаслдан кейин берилиши ва унда ринди харобатий васфида «Бошига амома меҳнатин ортмай, бўйнида ридо миннатин тортмай» каби жумлаларнинг битилиши бежиз эмас. Алишер Навоий мутаассиб уламолару суратпараст шайхларнинг риёкорлик, тамаъгирлик, шуҳратпарастлик, мулкпарастлик, фусуну фиреб асосига қурилган турмуш тарзига зид ўлароқ харобат аҳли сийратидаги фақирлик, фанопешалик, мол-мулкка беписандлик каби фазилатларни акс эттиради.

Алишер Навоий эътиқодига кўра, инсоннинг кимлиги, одамийлик даражаси нафсга муносабатида аён бўлади. Харобат аҳлининг аксариятида на уй-жой бор («бехонумон»), на кийим-кечак («оёғи яланг, боши ҳам»). Улар бечораҳол («бесару сомон») турмуш кечирадилар. Ҳеч нарсалари йўқ, аммо ҳеч нарсага эҳтиёжлари ҳам йўқ. Нафсини тупроққа қорган, шоҳлигу гадолик, бору йўқ ташвишидан озод бундай кишининг ҳиммати юксак осмондан-да баландроқдир: «Нафси гарчи туфроққа ҳамдаст, ҳиммати олида фалак паст» [1,45]. Ўзига ва оиласига етгудек сармоёси бўла туриб, қаср ичида яшаб яна маош (тирикчилик) уйи кўзига тор кўринаётган биродарлар учун қанчалик ибрат бор, ринд ахлоқининг айни қирраларида.

Харобат аҳли турмуш ташвишларию дунёнинг қайғу-ҳасратларидан баланд туради. Улар давр эврилишларию замон ўзгаришларидан қаттиқ таъсирланмайдилар. Мусибат ва шодликни, яхши ва ёмонни, кўп ва озни, катта ва кичикни бирдек, бамайлихотир қабул қиладилар: «Замон навоийбидин кўнгли ғамсиз, фалак ҳаводисидин хотири аламсиз. Вужуд ва адамдин бўлмай ҳаросон, бору йўқ ҳиммати олида яқсон... Замон яхши-ямони била иши йўқ, деса бўлғайки, оламда мундоқ киши йўқ» [1,45].

Ғазаб, қизиққонлик, шошқалоқлик иллатларидан буткул покланган, ўзлигидан хабар ва ўз ризосидин асар қолмаган, жисм суратидан холи бўлган пок инсонгина ҳаётда шундай хотиржам, ҳур кўнгил билан яшаши мумкин.

Алишер Навоий талқинича, дунёда ҳамма ишга тадбир бор. Фақат илоҳий қисматгина тадбирсиздир. Азал Котиби ёзган қисматнинг қудратли қўли олдида ҳар қандай мато яроқсиз. Қазо машъалининг шуъласи қаршисида восита учқуни сўниқ. Илоҳий қисматни «ўзгартираман», - дея жидду жаҳд кўрсатиш қуруқ ерда кема суришни ҳавас қилиш каби бир уринишдир. Қазо амрига тағйир бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ёғиб турган ёмғирни «ёғин риштаси»га тугун солиш орқали тўхтатишни орзу қилиш янглиғ бир хом хаёлдир. Ризо – Ҳақ ризоси. Ринд ўз ризосини Ҳақ ризосида маҳв қилган, дунё ва охират қайғусидан озод, ботинан эркин инсондир. Шунинг учун ҳам у Ҳақнинг афв ва марҳаматига лойиқдир. Шунинг учун ҳам нафс ғалваларидан, дўст-душманга эҳтиёжмандликдан қутулган, каноат тахтига ўтирган харобат аҳлига шоҳлар ҳам орзу ва армон билан қарайдилар: «Ринд ва гадоғаким етиб бу иқбол ва давлат, шоҳларга анинг ҳолидин орзу ва ҳасрат.

Риндеки, фано жомини тортар пайваст,

Дунё била охиратга эрмас побаст.

Ҳақ раҳмати умиди била тун-кун маст,

Кўп ортуқроқки, зоҳиди зарқпараст» [1,46].

Ринди харобатийлар ахлоқидаги айримлари таҳлил қилинган хислатлар Саййид Ҳасан «зотида ғолиб» фақр аҳли сулуки – дарвешлик маслағидаги қатор талаб-тамоийиллар билан рост келган. Саййид Ҳасан риндлар базмига иштирок этса-да, бирор кун тоат-ибодатни қанда қилмаган. Ҳеч қачон ичкиликка мағлуб бўлиб қолмаган. Аксинча, ҳар бир ҳаракати ҳикматга мувофиқ келган: «Риндлик ва тажарруъ айёмида

сойир риндлардин кўпрак ичар эрдилар. Андоқки, баъзи икки қатла ва баъзи уч қатла маст бўлуб, мажлисдин чиқиб, уюб, яна мажлисга келурлар эрди ва алар ўз ҳолларида эрдилар... Бу мажлис иштиғоли жиҳатидин ҳаргиз аларга намоз қастдан қазо бўлмади» [2,94-95]. Аммо шундай бўлса-да, «Май ичмак наҳй эрур Тенгри қавли, ҳар ҳол била анинг тарки авли» [1,104], - дея, қатор асарларида май ва майхўрликни қаттиқ танқид қилган Алишер Навоий Саййид Ҳасанни риндликдан халос бўлиш учун Худодан нажот, мадад тилаб муножотлар қилгани, Ҳақдан «тавба ва тавфиқ» саодатини муяссар айлашини илтижолар ила сўраганини зикр этади. Зеро, Алишер Навоийнинг чуқур ишончига кўра, Ҳақ мададига таяниб қилинган тавба гуноҳкор банданинг кўнгил кўзгусини итоатсизлик зангидан тозалайди. Ҳақдан етган тавба башар фарзандлари дардига даво, ҳидоятга бошловчи нурдир. У инсонни хижолатга қолишига сабаб бўладиган барча иллатлардан халос этади. Аммо Ҳодийи иноят «бу шамъи тавфиқни» ҳар кимга ҳам раво кўравермайди. Уни зоти пок, қутлуғ хилқатли, кишиларгагина беради. Маноқиб қаҳрамони табаррук мазорларга бориб, дарвешлар ва авлиёуллоҳлар мажлисларига етиб, муножотлари қабул бўлиши учун улардан фотиҳалар сўраган. Улуғ адиб Саййид Ҳасан хизматига мушарраф бўлган аҳлуллоҳнинг рўйхатини ҳам тақдим қилган. Улар Мавлоно Боязид Пуроний, Ҳазрат Баҳовуддин Умар, Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Муҳаммад Қусавий, Шайх Зиёратгоҳийлардир. Замонасининг мазкур муршиди комиллари Алишер Навоийнинг насрий асарларида тез-тез тилга олинади. Уларнинг айримлари ҳаётдан ибратли лавҳалар келтирилади. Жумладан, «Маҳбубулқулуб»нинг «Қаноат зикрида»ги тўртинчи боби Шайх Зиёратгоҳий ҳаётдан ҳикоят келтириш билан хотима топган. Ҳикоят илк марта жорий ёзувимиздаги алифбода улуғ адиб мукамал асарлари тўпламининг чоп этилиши муносабати билан нашр юзини кўрди [1,55].

Ҳазрат Алида шундай ҳикмат бор. «Доъун – нафси ил – ҳирсу», яъни «Кишига алам – ҳирсдан етади» [2,148].

Қалбида ҳирс аломатларидан заррача қолган инсон тоатдан ҳаловат туймайди. Илоҳий сирлар қошифи Шайх Зиёратгоҳий ўзларининг зиёратгоҳга айланган манзилларида ибодатдан фароғат топиш учун қаноатни ҳаёт мазмунига сингдириб яшайдилар. Қаноат Шайх маслагининг туб моҳиятини белгиловчи ғояга айланади. Маълумки, халқ савоб учун ва бошқа турли эзгу мақсадларни кўзлаб азиз-авлиёларга назр атайди. Шайх Зиёратгоҳий эса шоҳларнинг суюрғолидан тортиб назр, инъому туҳфаларнинг барчасини қатъиян рад этади: «Ва улус назр ва ҳадиясин парво қилмади ва салотин инъом ва суюрғолин кўзга илмади» [1,55]. Ота-бободан мерос бўлиб қолган, атрофи ўраб олинган ҳовлилари ичидаги кичкина ерда деҳқончиликка машғул бўлади. Ниҳоллар ўтқазиб, экин экади. Шайх экинларни ўзи суғорар, дарахтлар парвариши учун ўзи теша ва арра сурар эди. Эл Расулulloҳ (САВ) айтган «Қаноатли азиздир» ҳадисининг амалий тасдиғини Шайх Зиёратгоҳий сиймосида кўради.

Шайх қаноат рамзига айланади. Бири кетидан бошқаси Ҳирот тахтига ўтирган султонлар, дин уламолари, машойиху аҳлуллоҳ уч шаръий йўл билан ул зот хизматига бориб остонаси тупроғини тавоф қилганлар. Ва шундай иззат ва шарафга муяссар бўлганликлари учун бошлари кўкка етган. Шайхнинг пешона тери билан етиштирилган мевалардан ҳамда унинг деҳқончилик нонидан ҳар нимаки қўлларига тушса кўзларига суртиб, қўйинларига солиб, табаррук учун оила аҳлларига келтирганлар. Ва ундан тановул қилганлар охират нажотидан ҳам умидвор бўлганлар.

Саййид Ҳасан ана шундай вужуди раҳмоний руҳ билан йўғрилган авлиёуллоҳлар хизматига мушарраф бўлар экан, уларнинг илтифотларига сазовор бўлган: «...қабул ва илтифот назарлари топар эрдилар» [2,95]. Бутун табиати, феъл-атворида фақру фано тарийқининг нишонлари мукамал суратда зуҳур этиб турган Саййид Ҳасанни юқорида номлари зикр этилган муршиди комиллар ҳам соғиниб, уни кўришга, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлишга орзуманд бўлганлар. Мақсади Ҳақ йўлига кириш бўлган йигитнинг муроди тезроқ ҳосил бўлишини улар ҳам муштоқлик билан кутиб интизорлик тортган.

Саййид Ҳасанни туғма дарвеш, илоҳиёт фонийси деб таърифлаган Алишер Навоий унда Шайх Мавлоно Муҳаммад Табодгоний хонақосига келгунга қадар комил

ADABIYOTSHUNOSLIK

инсонга хос қатор фазилатлар мавжуду мужассам эканлигига эътиборни тортади. Ана ўша ноёб хислатлардан бири «сучук сўз ва муфрит хулқ»дир. Ширин сўз қалблар жароҳатига малҳам бўлади. Руҳан эзилган, ўксинган кишиларнинг кўнглини кўтаради. У ҳар қандай тош бағир инсонга ҳам таъсир қилади, қалбини юмшатади. Хира кўнгиллар ширин сўздан равшан тортади. Қотиб қолган вужудлар ундан жунбушга келади. Саййид Ҳасанда муомала маданияти, одамгарчилик ҳисси бениҳоя баланд бўлган. Йигитлик айёмида риндлар кечаю кундуз унинг уйидан чиқмаган. Мезбон уларнинг базми, «ишрат ва иншооти» учун зарур бўлган барча керакли неъматларни, асбоб-анжомларни муҳайё қилган. Кечкурун мажлис аҳли одатига кўра риндлар сархуш бўлгач, ухлашга ҳозирлик кўрилган. Саййид Ҳасан уйку олдидан ҳарифларининг ҳар бирига алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. Уларнинг мулозимлари борларини хизматкорларига топширган. Хизматчилари йўқ, уй-жойсизларига кўрпа-тўшак солдириб, бошлари остига юмшоқ болишлар, олдларига кўзада сувлар қўйдирган. Баъзиларининг оёқ кийимларини, саллалари ва рўмолларини, хусусан, рўмол учида амонат тугилган бўлса, уларни ишонарли ходимларига топшириб, саришта-саранжом қилгач, хуфтан намозини адо қилиб, ўз ҳужрасида осойишга машғул бўлган.

Харобат аҳли Саййид Ҳасан масканини ўз уйидан кўра хавфсизроқ деб билган. Унинг ҳузурда ўзини беҳавотир, эркин ҳис қилган. Баъзи кунлар соддадил йигитлар унинг суҳбатида маст бўлгунча ичиб, ўзларини билмай қолсалар уларни ўзгаларга ҳам ўз фарзандидай ачинадиган меҳрибон кишиларнинг уйларига ётқизиб, эшикларни устларидан қулфлатиб, яна уларни кўриқлаш учун ташқаридан посбонлар ҳам қўйган. Ва сабуҳий вақтига қадар бир-икки марта маст ётган риндлардан ўзи хабар олган:

Риндлардан бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,
Шоҳ эди ринд аҳлиға, балки эрди шоҳи ринд [2,95].

Риндлар мажлиси Саййид Ҳасан уйда бир неча кун давом этгач, мезбоннинг меҳмонларни кузатиш маросими, уларга кўрсатган мулозамату меҳрибончилиги, лутфу тавозуъси янада ҳайратланарли: «Ва ишрат ва иншоот асбобидан бошқа борур чоғларида ҳар қайсига ўз хўрди ҳолиға узрхоҳликлар била егуликдин ё бирор нима харжидинким, ул тоифа қошида куллийдур, риоят қилиб, мардумлик ва инсоният тариқи била лутф кўргузур эрдиларким: «уй сизнингдур, ҳар қачон илтифот қилсангиз хизматға турубмиз», деб узатурлар эрди...» [2,93].

Барчадан ўзини кичик ва кам тутиш, яхшию ёмонга, улуғу кичикка хизмат ҳузурда бўлиш, фарзандларига, ҳатто ходиму хизматкорларига, ҳар қанча уларда интизомсизлик кўрсалар-да, қаттиқ гапирмаслик, балки насиҳатни «юмшоғ ва чучук тил била» қилиш фақру фано аҳлига, дарвешларга хос фазилатдир.

Фақру фанонинг аччиқ дориси нафсу ҳаводан униб чикувчи ҳар бир томирни кесишга қодирдир. Шайх Шибровий талқинича, ҳар қандай ўткир тиғнинг дами ҳам ўтмас бўлиб қолганидек, ҳар қандай инсон ҳам саҳву хатодан холи бўлмайди. «Ҳалим киши катта хатоларни ҳам кечириб юборишидин билинур. Назм:

Қилиб эҳсон одамларнинг дилин овла,
Ки эҳсоннинг қули бўлгай одам, англа.
Агар кимса ёмонликни раво кўрди,
Кечир, балким, билиб-билмай хато қилди»[7,3].

Хатоларни кечирмоқ-эҳсон. Алишер Навоий назди-назарича, эҳсон - «амри азим» [1,107], яъни буюк иш, зўр ҳаракат. Ундан хато қилувчига улуғ мадад, маънавий-руҳий қувват, таскин ва умидворлик етади. Ҳар ким ҳам йўл қўйилган камчиликни, номаъқул бир хатти-ҳаракатни кечириб юборишга қодир эмас. Кечиримли бўлмоқ учун инсоннинг юраги раҳм, меҳру шафқат, карам ва мурувват нурларига йўғрилган бўлиши лозим. Саййид Ҳасаннинг қалби ана ўшандай нурга тўлиқдир: «Яна бири шафқати муфритки, борча риндларни азиз тутқайлар ва алардин ҳар хато ва залал воқеъ бўлса мувоҳазасиға машғул бўлмағайлар ва ислоҳиға кўшиш қилғайлар ва саҳвларини афв қилиб, юзларига келтурмағайлар, то аларға хижолат воқеъ бўлмағай ва аларни рифқу мудоро била ул мақомдин ўтгайлар. Байт:

Бу иш эрур валоят аҳли иши,
Қила олмас бу ишни ўзга киши» [2,94].

Кўчирилган иқтибосда эътибор қилиш зарур бўлган яна бир нуқта бор. Комил инсон хато қилган кишини кетига тушиш, жазолаш пайида бўлмайдди, балки ўша хатони тузатиш, яхши ҳолга келтириш учун заҳмат чекади. Қалбида шафқат булоғи қайнаган комил инсон душманини ҳам кечира олади. Мана, Алишер Навоий қалбидан оққан шафқат чашмасидан бир томчи: «Қавий душман забунинг бўлса мурувват қил, карам ва авф кўргузгил» [1,125].

Хожа Аҳрор Валий айтадилар: «Тўрт нарса улуғликка далолат қилур: илмни азиз тутмоқ ва ёмонни яхшилик билан даф қилмоқ ва аччиғи (ғзаби) ни ютмоқ ва жавобни савоб бирла бермоқ» [6].

Юқоридаги таҳлиллардан аён бўлаётирки, айна ҳикмат ҳақиқати Саййид Ҳасан Ардашер шахсида мужассамдир. Абу Али ибн Сино инсон табиатидаги ёмон ҳислардан бири – ғзабни қуруқ ўтинга тушган ўтга, босиб келаётган селга, маст туяга, қасд қилувчи шерга ташбиҳ қилади [5,61].

Ғзабнинг зиддида баркамол инсон фазилати – босиқлик (бардошлилик, чидамлилик, вазминлик) туради. Алишер Навоий талқинича, чидаму бардош била кўп мушкулотлар тугуни ечилади. Сабру бардош туфайли ғоят кичик бир жонзот пилла қуртининг зиддида баркамол инсон фазилати – босиқлик (бардошлилик, чидамлилик, вазминлик) туради. Алишер Навоий талқинича, чидаму бардош била кўп [1,104]. Босиқ, бардошли инсоннинг ҳар бир сўзидан, хатти-ҳаракатидан, феълу атворидан кишилик жамиятига бол томади.

«Насойимул-муҳаббат»да улуғ мутафаккир машойиху авлиёуллоҳнинг «аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин» айримларини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этишда давом этар экан, фақру фано аҳлининг гўзал сифатларидан бири – ризо эканлигини зикр қилади. Ва бунда ҳам далилловчи лавҳа Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгонийнинг «кибор асҳобидан» дея ўқувчига таништирилган азиз зот ҳаётидан олинади. Шуниси муҳимки, «Насойимул-муҳаббат»да талқин қилинган ўша лавҳа билан маноқибда берилган Саййид Ҳасаннинг умр дафтаридан кўчирилган ҳаётий воқеа моҳиятан ғоят уйғундир. Маноқибда муаллиф Саййид Ҳасанни фақру фано тарийқида буюк мақомга эришганини далиллаш мақсадида мана бу жумладан сўнг ўша лавҳани келтиради: «Бу фақир (Алишер Навоий) фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳлуллоҳ мулозаматиға кўп етибмен, фақир тариқида алардек оз кўрубмен» [2,99].

Алишер Навоий, аввало, Саййид Ҳасаннинг яккаю ёлғиз фарзанди – Саййид Муҳаммаднинг тавсифини беради. Дастлабки жумладаёқ навоиёна тасвир талаб - тамойиллари ўзидан хабар беради. Адиб Саййид Муҳаммадни «адабу тавозуъ ва ҳилму ҳаё таврида» отага муносиб ўғил эканлигини таъкидлайди. Саййид Муҳаммад – сурати хуш, сийрати дилкаш, у – истеъдодли ва илмли, «Ҳирот халқининг ўз таврида ягонаси ва нодираси». Афсуски, у тақдир ҳукми билан ўн тўрт ёшида оламдан ўтади. Маноқибдан ўқиймиз: «Аксар ани танир-билур эл ўзни соҳиб азо тутдилар. Батахсис, бу фақирким, ани фарзанддек улғайтиб эрдим, аларғаким, асл ота эрдилар, асло тафовут қилғони маълум бўлмади. Сўзлари бу эрдиким, «Ал-ҳукму лиллоҳ» эгасига биздин кераклик экандур –элтти, умид улдуким, раҳмат қилғай» [2,100]. Азиз фарзандини сўнгги йўлга кузатиш кунда эса эгнига покиза тўн кийиб, бошига тоза салла ўраган Саййид Ҳасан қайғу зўридан аччиқ кўз ёши тўкаётган азадорларни, хусусан, Алишер Навоийни тинчлантиришга, насиҳатлар қилиб мотам тутганларнинг беором кўнгилларини таскин топтиришга саъй ва кўшиш қилади. Эл марҳумни қабристонга, Алишер Навоий тайёрлатган хилхонага элтадилар. Саййид Ҳасаннинг ўзи суннат қоидасига мувофиқ мақбара ичига тушиб, фарзанди аржумандини шариат расми билан охират ерига қўйиб, Худога топшириб, марҳумнинг билиб-билмай қилган гуноҳларини Аллоҳнинг кечирishi учун дуолар қилиб чиқади. Аммо бу мусибатли воқеадан ҳолатида ҳеч қандай ўзгариш юз бермайдди: «...ҳеч навъ тағайюр ҳоллариға зоҳир бўлмади» (116,100). Бу вазиятни кўрган дарвешларни, тобутни кўтариб мазористонга борган Ҳиротнинг улуғ ва эътиборли кишиларини ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилади.

Саййид Ҳасаннинг бошида бўлган «ёлғуз туёқлик» савдоси (Абдулла Қодирий ибораси) «Насойимул-муҳаббат»да тасвирланган азизнинг ҳам бошида бор. Унинг ҳам ўғли бағоят қобил, ҳусни хулқи камолга етган. Саййид Ҳасаннинг бошига тушган кулфат

ADABIYOTSHUNOSLIK

Ўша азизнинг ҳам қисматида бор экан. Унинг ёлғиз ўғли ҳам фоний дунёдан кўз юмади. Шаҳар халқи – шоҳдан гадогача мотам тутадилар. Аммо «Ул азизнинг ҳолиға ... тағйир бўлмади. Мотамеларга кўнгул бериб, Ҳақ ризосига тарғиб қилур эрдилар. То кўтардилар ва мадфанға элттилар, ўзи қабр ичига кириб азиз фарзандин шаръ ваҳжи била қабрда қўюб, мағфират дуоси қилиб чиқди... Ва шаҳр халқи, акобиру ашроф барча лол эрдилар» [4,20].

Аллоҳ жамоли, бунёдкорлик санъату камоли ҳайратидан мутаассир зотлар, ўзини Ҳақдан ажратиб тасаввур қила олмайдиган комил инсонлар шундай ахлоқий ибратга эга бўладилар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий Саййид Ҳасан таърифида, юқорида келтирилган лавҳага яқун ясаб: «Бу навъ фано ва истиғроғ ва ҳафсала башар хайлидин номаълумдур...», -деб ёзади.

Камолотнинг бундай олий мақомига эришган инсон Расулulloҳнинг (САВ) бир ҳадисларида айтилганидек: «Мусибатнинг ёки етган бирор хасталик ёки ранжитувчи воқеани ҳам Аллоҳнинг бир икромии эканини англайди» [3,54].

Унда ризодан нишон қолмайди, у ўз розилигини Аллоҳ иродаси натижаси деб билади: «Чун ўз ризосин билкулл фано ўтиға отти ва Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ризоси била ўзин тузатти» [1,64]. Бундай мартабадаги инсонлар учун Аллоҳдан етган лутфу марҳамат ҳам, қаҳру ғазаб ҳам бирдек сеvimли, ёқимли ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Alisher Navoiy.** Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 14-jild. - T.: Fan, 1998. - 304 b.
2. **Alisher Navoiy.** Mukammal asarlar to'plami. 20 jildlik, 15-jild. - T.: Fan, 1999. - 236 b.
3. **Jo'shon, Mahmud As'ad.** Islom, tasavvuf va axloq. - T.: Istiqlol, 2000. - 240 b.
4. **Navoiyning ijod olami.** Maqolalar to'plami. - T.: Fan, 2001. - 200 b.
5. **Abu Ali Sino. Salomon va Absol.** Lirika. Falsafiy qissalar, she'r san'ati. - T.: G'.G'ulom, 1980. - 132 b.
6. **Xoja Ahrori Valiy hikmatlari // Islom nuri, 2003. 3-son.**
7. **Shayx Shibroyi.** Unvonul bayon.//Islom nuri, 2003. 1,3,5-son.

УДК:82-311.2:398.221(575.1)|1991|(...)

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИДА МИФОПОЭТИК ТАФАККУР

МИФОПОЭТИЧЕСКИЕ МЫШЛЕНИЕ В УЗБЕКСКОМ РОМАНЕ В ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ

MYTHOPOETICAL THINKING IN THE UZBEK NOVELS OF INDEPENDENCE PERIOD

Давронова Шоҳсанам Ғайбуллоевна

БухДУ доценти, ф.ф.н.

Davronova Shohsanam G'aybulloevna

associate professor, PhD, BSU

Таянч сўзлар: мифопоэтик тафаккур, истиқлол даври ўзбек романчилиги, адабий анъана, адабий синтез, мифологизм, модернизм, неомифологизм, бадиий ифода, бадиий ғоя.

Ключевые слова: мифопоэтические мышление, узбекские романы в период независимости, литературная традиция, литературный синтез, мифологизм, модернизм, неомифологизм, художественные выражение, художественная идея.

Key words: mythopoetic thought, in Uzbek novels of Independence period, literary tradition, literary syntheses, mifologism, neomifologism, the artistic describe, the artistic idea.

Ушбу мақолада замонавий ўзбек адабиётида мифопоэтик тафаккур муаммоси тадқиқ этилган. Шунингдек, ёзувчи Асад Дилмуроднинг “Фано даштидаги қуш” романида қўлланган мазкур ҳодисанинг таҳлили берилган. Шу хусусиятга кўра